

Turkiston

1925 yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOYI HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 27-iyun, payshanba № 76 (14569)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар! Авваломбор, сизларни бугунги кутлуг байрамингиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун биз матбуотчилар кўнини, шу соҳага алоқадор бўлган барча касб эгаларининг байрамини нишонлар эканмиз, бу борада эришган ютуқлар билан бирга, ўз ечимини куётган ўта муҳим масалалар тўғрисида, уларни ҳал этиш йўлида қўётган қадамларимиз ҳақида очик-часига фикрлашиб олишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда...

лий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбуотнинг эркин фаолияти учун зарур қафолат ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилиниши ва қилинмоқда. Лекин, ҳолисона тан олишимиз керак — бу борада амалга оширилган тадбирларга нисбатан ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз талайгина. Бу тўғрисида гапирганда, биз ҳақиқатни очик айтишимиз керак: бугунги кунда бизнинг матбуотимиз, радио ва телевидениемизда кўпроқ ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар, эришган ютуқларимизни акс эттириш кўзга ташланади. Бунинг аҳамияти ва муҳимлигини ҳеч ким рад этолмайди, албатта. Аммо, кўлга киритган марралар билан бир қаторда, қанча-қанча одамларимизнинг норозилигини уйғотаётган, жамиятимизни орқага тортаётган муаммо ва нуқсонлар, йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар мавжудлиги ҳақида гапириш ортқича бўлмайди. Энг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурга эга бўлган одамлардан иборат,

деб ҳисоблаш катта хато бўлур эди. Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: мана шундай турли хил қарашлар, ўзаро қарама-қарши бўлган фикрлар матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларимиздан ўзига ўзин тояплатимиз? Бугун масалани мана шу тарзда қўйиш вақти етди, деб ўйлайман. Ҳеч кимга сир эмас — бугун бизнинг бу масалада оқсоқлигимизнинг асосий сабабларидан бири — яқка мафкура ҳукм сурган мустақил тизимнинг қон-қонини, мизига, суяк-суякларимизга сингиб кетган асорат ва таъсирлари, оёғимизда қириқ бўлиб турган, ҳали-бери ўз кучини сақлаб келаётган эскича қарашлардир. Хозирги замон талаблари барчамиздан бундай эскича фикрлар таъсирдан халос бўлишни, воз кечишни талаб қилиб, бонг урмоқда. Халқимизнинг тафаккури ва сиёсий савияси, маданияти тобора ўсиб, жамиятимизда соғлом қарашлар мустақамлаб бораётган ҳозирги шароитда, одамларимиз қанча-қанча машаққатли синовларни, сурунли кунларни бошидан ўтказиб, оқни — оқ, қорани — қора деб аж-

ратиш учун етарли тажрибага эга бўлган бир пайтда, ҳеч шубҳа йўқки, ҳаётимизда мавжуд бўлган бошқа фикр ва қарашларни ҳам матбуотимиз саҳифаларида, телевидение экранларида, эфир тўқинларида акс эттириши ва улардан тегишли хулоса чиқариши вақти келди, деб айтсак, айни мудоа бўлади. Ҳаммамиз шуни чуқур англаб олишимиз керакки, ҳар хил хуфна гаплар, мишиш, уйдирма, бўхтон ва овозалардан фойдаланмасдан, одамлар бундай маълумотлар ва гаплардан матбуот орқали хабардор бўлса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам фақат наф қўради. Жамият ҳаётининг томир уришини белгилайдиган матбуот ва ахборот соҳасида шундай сиёсат юритилганда, турли пихона хатти-ҳаракатлар учун ҳеч қандай асос қолмайди, деб ўйлайман. Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик ҳолисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисиқлик муҳити ҳукмрон бўлади. Чунки ютуқни — ютуқ, кам-

чиликни — камчилик, жиноятни — жиноят, хиёнатни — хиёнат, деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради. Яна такрорлаб айтаман, бу масала нафақат матбуот, ахборот ва матбаа соҳаси ходимларига, балки жамиятимизнинг барча қатламларига тааллуқли бўлиб, биринчи галда мутасадди ва раҳбар шахсларнинг энг долзарб вазифасидир. Аммо бу вазифани ечишда аввало матбуотчилар, журналистлар ташаббускор бўлиши, бу гоят муҳим масалани доимо диққат марказида тутиши зарур, деб ўйлайман. Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, журналистларимизнинг мураккаб ва машаққатли меҳнатини эътироф этган ҳолда, уларнинг катта билим, тажриба ва малака талаб қиладиган шарафли касби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан. Чунки доимо эл-юрт дарду ташвишлари билан яшаш, адолат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига қарши, жамиятимизда, ҳаётимизда учраб турадиган

мансабдорларнинг ўз вазифасини суистеъмол қилиши, тўрачилик, беғамлик, лоқайдлик ва бепарволик ҳолатларига қарши курашиш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келмайди. Сиёсат ҳақида гапирганда — сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида — иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар ҳусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни — мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдида энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Мен халқимизнинг азалий оруз-умидларини, асрлар давомида интилиб келган энг муқаддас руёбга чиқаётган хозирги кунларда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишда жонқуяр ва фидойий журналистларимиз жамиятимизнинг суянчи ва таянчи бўладилар, деб қатъий ишонаман. Сизларни бугунги байрамнингиз билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга муштаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқлар, омад ва бахту саодат тилайман. ИСЛОМ КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Сизларни, Ўзбекистон пойтахти Тошкентда бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро анжуман иштирокчиларини самимий кутлайман. Бугунги учрашув Халқаро гиёхвандлик ва гиёхванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш кўнида очилаётган унинг аҳамиятини янада оширади. Биз мазкур анжумани 2000 йилда Тошкентда бўлиб ўтган "Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёхвандлик, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга муштаҳкам ёндашув" мавзусидаги конференциянинг мантиқий давоми деб биламан. Бугунги кунда наркоманиянинг халқаро террорчилик ва экстремизм билан чирмашиб кетгани барчага аён. Марказий Осиё давлатлари трансмилий жиноий тузилмалар томонидан бевосита наркогрессия нишонига айланган қолган бир шароитда Ўзбекистон минтақа мамлакатлари, бутун дунё давлатлари сайб-ҳаракатларини наркобизнесга қарши кураш йўлида бирлаштириш таклифини илгари сурди ва унинг тарафдори бўлиб қўлмоқда, ушбу умумий хавфга қарши курашга келгусида ҳам ўз ҳиссасини қўшишга тайёр. Бугунги кунда бир ҳақиқатни ҳар қачонгидан кўра яхши тушуниб олмоғимиз ва унга рияоз этмоғимиз зарур: фаолият қўлами мисли қўрилмаган даражада кенгайтириб бораётган ва бутун-бутун жамиятлар асосига таҳдид солаётган наркобизнесга фақатбаргалликдагина қарши тура оламиз. Шу муносабат билан БМТ, ЕХТҲ каби халқаро институтларга, донор мамлакатларга мазкур анжумани ташкил этишга қўшаҳиссаси учун самимий миннатдорлик изҳор этаман. Мазкур жараёнда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг махсус органи - Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин ва лозим. Бугунги анжуманда гиёхвандлик муаммолари ва ушбу оғдатга қарши кураш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш билан боғлиқ ниҳоятда долзарб ва муҳим бир қанча масала кўриб чиқилади. Анжуман олдига қўйилган олижаноб мақсадлар амалга оширишга ва у мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда ишончим комил. Анжуманга ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида, унинг иштирокчиларига эса энг ва хайрли фаолиятида янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚУТЛОВ

"Ватанпарвар" газетаси ва унинг сергайрат жамоасини газетанинг 10 йиллиги билан алоҳида табриклаймиз! Миллий матбуотимизда ҳарбий журналистикани шакллантираётган "Ватанпарвар" газетаси барча ҳарбийларимизнинг энг биринчи маънавий "қуроли" бўлиб қолишига тилакдошмиз.

«TURKISTON»чилар

ШУ КҮННИНГ МАВЗУСИ

ЖУРНАЛИСТИКАГА НИМА ЕТИШМАЙДИ?

Сиз ҳеч қачон мухбирлар ёлгон ёздаи деган хулосага борманг! Акс ҳолда...

Қатор соҳалар каби ўзбек журналистикаси ҳам кейинги ўн йилда бир қадар синов босқичларини бошдан ўтказди. Гарчи камчиликлардан холи, халқнинг юрагиди сўзларни тўла-тўқис юзага чиқараётган матбуот пайдо бўлган бўлмаса-да, янги ўзбек матбуотига замин яратилди. Албатта, барча иш бирдан бўлавермайди. Матбуот бу улкан иморат эмаски, уни ҳашар ёки оммавийликни жалб этган ҳолда тезда қуриб битказишга эришилса. У ҳеч бир соҳага қиёслаб бўлмайдиган ва ҳеч бир давлат яратган йўлдан юрмайдиган қайсар, инжоб ҳулқ-аъвоҳга эгаки, шу боис уни халққа мажбуран ўқитиб ёки эшиттириб бўлмайди. Шундай экан, бу борада бугунги ўзбек миллий матбуоти ташланган салмоқли қадамни ҳар жиҳатдан олқишлаш лозим, деб биламан. Ҳар ҳолда ўн йил кичкина саналмаса-да, бирок амалга оширилган ишлар сарҳисобидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Буларнинг бари ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда содир бўлди ва биз билмадик. Ана шуларни эътиборга олиб, ушбу мақоламизда кўлга киритилган ютуқларни эмас, бу йўлда тўғри-ноқ бўлаётган айрим жиҳатларни қаламга олишга тиришамиз.

мий хизмат сафари билан Хатирчи туманида бўлиб қайтдим ва бу борада аниқланган далиллар ва кўлга киритган ҳужжатларга асосланиб, газетанинг навбатдаги сониде "Ўтти хашак билан ёпиб бўлмайди" сарлавҳаси остида мақола эълон қилинди. Энди шу ўринда тушунарли бўлиши учун иш юзасидан бироз изоҳ бериб ўтсак. Маълум бўлишича, собиқ мактаб директори Замира Муродова нафақага кузатилишидан олдин, мактабда Хатирчи туман Прокуратураси томонидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда "Таълим тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ижроси юзасидан умумий назорат тартибиде текширув ўтказилди ва бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари рўй берганлиги аниқланди. (Қай тарзда қонун бузилганлиги ҳақида олдинги мақолада тўхталганимиз боис, қайтаришни лозим топмадик). Шундан сўнг туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси С. Самадов, туман халқ таълими бўлими мудири О. Маматқаримов номига аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартафат этиш чора-тадбирлари тўғрисида тақдимнома киритиб, қонун бузилиш ҳолатига йўл қўйган 18-мактаб директори З. Муродованинг ишда қолиш-қолмаслик масаласини ҳал этиб, бошқа шахсларга нисбатан интизомий жавобгарликка тортиш масаласини қўриб чиқишликни талаб қилди. Аммо, туман халқ таълими бўлими мудири О. Маматқаримов ишни бир қатор силлик-

БАЛЛИ, ЁШ СПОРТЧИЛАР!



Москвада МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўсмирлари халқаро спорт уйинлари ниҳосига етди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этиб, салмоқли натижаларни кўлга киритди.

Уз сафиде 79 нафар ёшни бirlаштирган жамоамиз спортнинг самбо, юнорум кураши, теннис, стол тенниси, өнгил атлетика, қиличбозлик, шахмат, сузиш, спорт гимнастикаси, бадий гимнастика турлари бўйича беллашди. Москвадаги энг замонавий спорт майдонларида 9 кун давомида мурасасиз

ЎЗ ЎРНИ БОР

Кайси газетани севиб ўқийсиз? Биз ушбу савол билан бир қатор газетхонларга мурожаат қилдик.

Валижон Шамшиев — 27 ёш, қизикчи: — Ҳамма сиёсатчи бўлмасам-да, шу соҳага жуда қизиққанам учун "Моҳият" ни ўқийман. Бу газетда юртимиздаги сиёсий жараён яхши таҳлил қилинади. Яна маддоҳликка йўлланма, "Turkiston"ни ҳам севиб ўқийман. Ёшларнинг муаммолари ўринли кўтарилади. Сироҳиддин Сайид — 44 ёш, шоир: — Кўпгина газеталари кўзатиб бораман. Шулар орасидан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Маърифат" ва "Труд"дан нимадир ўрганса бўлади. Шавкат Миралминов — 60 ёш, доцент: — Мустақил газетамиз "Хурият" исми жисмига мос бўлишига ҳаракат қилаётипти. Ҳар сонидан ҳеч бўлмаса битта "мих" мақола топилади. "Зеркало XXI века" ҳам замон билан ҳамнафас, ўқилиш қийнақти. Таъабалик пайтларингизда кайси газеталарни севиб ўқигансиз ва нима учун? Валижон Шамшиев: — "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"ни ўқирдим. Бу газетанинг 1992-1996 йилларда чоп этилган сонларини битта қолдирмай олганман, ҳозир ҳам уйимда сақлабман. У пайтларда бу газета Ўзбекистондаги адабий жараёни ва

ҚҮПИНЧА ЖУРНАЛИСТЛАРИМИЗ ОРАСИДА "МАТБУОТ НАШРЛАРИНИНГ ҲАММАСИНИ ҲАМ РАҚОБАТ ҚОЗИНИГА ТАШЛАБ БЎЛМАЙДИ" ДЕГАН ГАПЛАР ЮРАДИ.

Ҳўш, бу гапнинг тагида қандай асос бор? Ана шу мавзуда суҳбатлашиш учун биз "Ўзбекистон автомобильчиси" газетаси бош муҳаррири Норбек ТУШНИЁЗОВНИ танладиқ. Бу бегиз эмас, албатта. Зеро, ушбу журналистнинг Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги нашри бўлган "Ўзбекистон автомобильчиси"га бош муҳаррирлик қилаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ газетанинг қиёфаси бутунлай ўзгарди...

МАТБУОТ ВА РАҚОБАТ

ҲАҚИҚАТНИ БАҲСЛАРДАН ИЗЛАНГ

мавзу доираси, ўз йўналиши мавжуд. Аммо, марҳамат, ижтимоий сиёсий газеталарни бемалол бир-бирига қиёслайверинг, улар ростида ҳам бир-бирига рақобатчилардир. Ёки бўлмасам, бугун асосан бошқотирмалар чоп этувчи нашрлар қўпайиб кетди. Албатта, улар орасидан ўзимизга маъқулини танлаб оламиз. Демак, бу нашрлар ҳам ўзаро рақобатда ва ҳоказо. Лекин қайсидаир бир ижтимоий-сиёсий нашрни бошқотирмалар ёки "шов-шув"ли нашр билан таққослаш, бирини кўп нусхада чоп этилаётгани учун бошқалардан устун ҳисоблаш ва иккинчисини эса нуҳаси камлиги сабаб мағлубга чиқариш мутлақо нотўғри. — Демак, сиз ижтимоий-сиёсий газеталарнинг кам нусхада

Давоми 2-бетда

(Давоми, боши 1-бетда)

Хуллас, бор гап шу. Биз баҳоли кудрат, билганимизча қоғозга туширилади. Бирок, бирон кишининг шаънига ва кадр-қимматига тегадиган маълумот тарқатганимиз йўқ эди. Шундай бўлса, даъвогарлар Хатирчи туман суди раиси К. Жумаев ҳамда 18-мактаб директори З. Муродовларнинг даъво аризасига кўра, Тошкент шаҳар Миробод туман фуқаролик суди судья Холиков А. раислигида етказилган маънавий зарарни (!?) ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди. Унда менга ва тахририятга қуйидагича айб қўйилди:

"Суд... махсус мухбир Алланазаров Ш. ўзининг ушбу мақола-син билан даъвогарлар Жумаев К. ва Муродова З. ларга ҳақиқатдан ҳам маънавий зарар етказган деб баҳолади. Чунки, ушбу мақолани ёзишга сабаб, Жўраева Г.ни шикоят бўлиб, Жўраева Г. мухбир олдига З. Муродовани "нега ишдан кетди-ю, нега ишга қайта тикланди?" деган савол қўйган эди. Махсус мухбир Ш. Алланазаров эса Жўраева Г.ни қонуний талабига жавоб бермай, қонун доирасидан четга чиқиб, суднинг қонуний қилган ҳал қилув қарорини, қалбаки ариза билан қилган қарорини, Муродова З.ни эса қалбаки ариза билан директор лавозимига ўтирилганлигида айблаб, қалбаки ариза билан қарор чикарган суд раисининг ҳам қўйил қалчаси киши. Бунинг устига қонун овозгарчилик. Наҳотки, кўриниб турган адолатни қарор топтириш шунчаки "қийин иш бўлса" деб "Turkiston" газетасида эълон қилган.

Бу ерда махсус мухбир Ш. Алланазаров "нега энди Муродова З. аризани қалбақлаштиргани маълум бўлса-ю, суд ҳал қилув қарорини қабул қилаётганида бунинг инобатга олмай ўтса ёки ўз хоҳишига биноан бўшатишдан аёл, бунинг устига пенсиядаги киши қандай қилиб мансабига тикланади? Туман прокурори тақдимномасидаги далиллар қаёққа кетди?" каби саволлари жавобсиз қолганидан таажубга тушиб,

судни қонуний қилди бўлган қарорини қалбаки ариза билан чикарганлигида айблаб, Муродова З.ни ишга тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини адолатли эканлигига шубҳа қилади".

Энди бўлиб ўтган ишлардан бирмунча хабардор бўлдингиз деб ўйлайман. Хулосани ўзингиз чиқаравэрасиз. Мен эса юқорида таъкидлаб ўтилган илгари мақоладаги таажублар билан бирга яна бир қанча таажубимни, ҳал қилув қарорларини қабул қилган ҳар иккала суд ходимига билдириб ўтишни лозим топдим.

Бу ҳолни ҳеч иккиланмай "Емаган сомсага пул тўлаш" деб баҳолаш мумкин. Ахир, дастлаб туман прокурори талабини бузган, ўзбошимчиликка йўналган, ишчи чалкаштирган туман халқ таълими бўлими мудири Маматқаримов О. эмасми? Аммо бу киши суд жарағига келишни ҳам малол билди. Судья эса негидир қаттиқроқ таъкид қўймади? Туман халқ таълими бўлими кадрлар бўлими назоратчиси Ж. Рашидова эса қўлида сақлашни лозим бўлган аризани қонуний бўлиб, З. Муродовага бериб юборганини қандай баҳолаша бўлади? Тақдимнома киритиб, қатор қонунбузарлик ҳолатларини қайд этган туман прокурори нега бу ҳолга муносабат билдирмади? Қолаверса, Хатирчи туман суди раиси К. Жумаев даъвогар З. Муродованинг ишмини ўрганаётганда жавобгар халқ таълими бўлимидан бирон кишини чикармаганини-чи?

Миробод туманлараро фуқаролик суди бошлаган иш жарағида бошдан охири ўзим иштирок этганим боис, ҳеч қандай хатони тан олмасдан ҳам айбдор бўлиш мумкинлигига гувоҳ бўлдим. Ахир, маънавий зарар дегани шаън, кадр-қиммат ерга урилган лаҳзаларда қўлланарди. Биз мақолада тилга олган таажублар ҳеч қимнинг шаъни ва кадр-қимматига соя солмайди. Шу билан бирга

ЖУРНАЛИСТИКАГА НИМА ЕТИШМАЙДИ?

Бирок, негидир биз қонуний ҳақ-хуқуқимиз бўла туриб, билдирган қисқатгина таажубимиз учун маънавий зарар тўлаш ҳақида Миробод туман суди ҳал қилув қарори чикарди. Энди йўлаб кўринг, шу тарзда билдирилган таажуб ёки фикр-мулоҳазаларга судлар маънавий зарар белгиланмади, у ҳолда матбуот ходимларининг боши суд залидан чиқмай қолади-ку! Назаримда, судларнинг мақолаларга бундай ёндашуви журналистларнинг ҳақ сўзини айтишга бўлган шижоати сўндириб қўяди. Бу қилув қарори ёки ҳукми қонуний қўйил қилганда сўнг журналистик тақлифларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир". (9-модда)

Бирок, негидир биз қонуний ҳақ-хуқуқимиз бўла туриб, билдирган қисқатгина таажубимиз учун маънавий зарар тўлаш ҳақида Миробод туман суди ҳал қилув қарори чикарди. Энди йўлаб кўринг, шу тарзда билдирилган таажуб ёки фикр-мулоҳазаларга судлар маънавий зарар белгиланмади, у ҳолда матбуот ходимларининг боши суд залидан чиқмай қолади-ку! Назаримда, судларнинг мақолаларга бундай ёндашуви журналистларнинг ҳақ сўзини айтишга бўлган шижоати сўндириб қўяди. Бу қилув қарори ёки ҳукми қонуний қўйил қилганда сўнг журналистик тақлифларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир". (9-модда)

ЖУРНАЛИСТ НИКОБИДАГИ ФИРИБГАРЛАР

Журналистлар ҳақида гап кетганда кўпинча "ёлгон ёзишди" ибораси қўлланади. Аслида эса шу сўзни кўп тилга олган кишиларни ҳам ҳақиқатий деб атаб бўлмайди. Боиси бундай инсонлар биз ақсарий ҳолларда бирон-бир иш хусусида микрофон ёки диктофонни оғизга тутганимизда бирдангина бошга қиёфада кириб, мултоқ бошқача оҳангда сўзлаб бошлайди. Бу масаланинг бир жиҳати бўлса, яна бир томони кўпгина тахририятларга шикоят хати йўлланганлар, қандайдир аламзада, раҳбарлар билан ўзаро ғаразли кишилар бўлиб чиқади. Натияжада эса журналист қандай хулосага келиш-

ни билмай қолади. Ёзилган мақола эса тўтук, яқиний хулосада аниқлик етишмай қолади. Албатта, бу соҳа олдиди муаммолардан бир шингил, холос. Бирок кейинги йилларда журналистларнинг обрў ва эътиборини ерга урадиган, лозим бўлса, фирибгар дея атамоқ мумкин бўлган, журналистик билим ва лаёқатдан бирмунча йироқ кишиларнинг пайдо бўлиши айтарли гап-сўзларнинг пайдо бўлишига эълон қилиш мумкин. Бир нарса аниқки, бу кишилар турли йўллар билан тахририятларнинг гувоҳномаларини қўлга киритиб, бир кунда ҳар хил ваъдалар остида 2-3 та ташкилот ва корхоналарни "чўв" тушириб кетмоқда. Аслида эса бундай "мухбирларнинг" йиллар давомида ҳам лоқал бир қоғоз хабари газета юзиди қўрмайди. Баъзида тахририятларга телефон бўлиб қолади: "Фалон мухбир сизларга ишларини? Бизга фалонда ваъда бериб кетганди". Кўп ҳолларда эса, афсуски, бундай "топилиқ" мухбирларнинг уялмай-нетмай амалга оширган ишлари кишини уяллатирилади.

РЕКЛАМА ГАЗЕТАГА ОБРЎ КЕЛТИРАДИМИ?

Журналистика соҳасининг тарраққитига тўсиқ бўлаётган жарағат ҳақида тўхтаганда, ҳали матбуот нашрларига шаклини тополмаётган тижорат мақолалари ҳамда эълонлар хусусида ҳам тўхтамоқ жоиз деб ўйлайман. Пули тўлана бўлса, қабилида амалга ошаётган бу жарағат обуначи ва тахририят ўртасида "жав"лик пайдо қилапти. Чунки, ҳар бир киши ўзининг севимли нашрига обуна бўларкан, мавзу доирасидан келиб чиқиб, янгиликлар, мушоадага қорлайдиган мақолалар, қизиқарли далиллар кутади. Бирок, кўпгина бу қоида бузилди. Бирор бир корхона раҳбарининг айтганидек, шаклдор мақоланинг газетадан жой олиши, сирли жойи йўқки, ўқувчини бироз ранжитилади. Ёки турли нашрларнинг тижоратчи мухбирларининг бири қўйиб

бири раҳбарлар қабулхонасида навбат кутиб ўтириши ҳамда кўнғироқ қилиши, табиийки, журналистларга бўлган муносабатини анча-мунча ўзгартириб юборади. «МАҚОЛАГА МАВЗУ БЕРИНГ!» Тахририятларга қатнаб юрган бўлажак журналистлар шу мазмундаги сўзларни кўп бор тилга олишади. Ҳар ҳолда бу муурожаат тахририят ходимларига ҳар доим ҳам ёқиб тушавермайди. Аслида теша тегмаган мавзулар ўйлаб топишнинг ўзи ижодкорликни талаб этади. Қолаверса, биров ўйлаган мавзунинг бошқа биров қўйиллатиб бажариши қамдан-қам ҳодисалар сирасига кирди. Очигини айтишимиз лозим, бугун кўпгина бўлажак журналистларимиз шунчаки ҳавасга эргашиб, "диплом" соҳибига айланаб қоляпти. Оқибатда соҳага зарур бўлган журналистик кадрларнинг етишмовчилиги матбуотнинг халқнинг ақли ҳамдамегага айланishi ҳақида жиддий тўғаноқ бўляпти. Тахририятларда фаолият юритаётган журналистларнинг ҳам ақсарият қисмини бугунги кун талабига тўла ҳолда беради, деб бўлмайди. Кўп ҳолларда сийқа мавзу ва аънавий қоллиларда ёзилган мақола ва хабарларни ўқиганда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талабига эканлиги гувоҳи бўламиз. Бу борадаги муаммоларни бартараф этишда журналистика соҳаси илмини "Умид" жамғармаси орқали хориж олий ўқув юрталарида таҳсил олиб, боитиб келётган ёшларга тахририятларда кенг йўл бериб, улардан фойдалана билиш орқали ҳам бирмунча тартибга тушириш мумкин деб ўйлайман. Назаримда бу соҳанинг ҳам муаммолари буй кўрсатидиган давр келди. Ахир, қанчагача санъаткорлар ва машҳур спортчилар ҳақидаги "миш-миш"лар билан ўқувчи тўплашга эришамиз. Бугун бошқа соҳалардан матбуот бир неча қадам олдинги сафда юрмас экан, ўқувчи хатто бўш вақтда ўқишга ҳам малол келади. Шундай экан, эндиликда нашрларнинг кам сонли ходимлари "бир ёқадан бош чикариб..." ишга киришмас экан, бу нашр ўқувчиларга бегоналашади.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ

ҲАҚИҚАТНИ БАҲСЛАРДАН ИЗЛАНГ

(Давоми, боши 1-бетда)

Ана шу имкониятлардан фойдаланиш йўлида айни пайтда баъзи ишларни бошлашга ҳаракат қилганмиз. Энг аввало, газета саҳифасида шунчаки, ҳеч қимга қизиги бўлмаган хабару мақолаларнинг, қуруқ мақтовларнинг бўлмаслигини қатъий йўлга қўйишга уринганмиз.

Ҳеч бир ҳамкасбимизни ёки бирон-бир матбуот нашрини қамситмоқчи эмасману, лекин газета-журналлар, айниқса, тармоқ нашрларида шу соҳага оид зўрма-зўраки гаплар, бировни ишонтира олмайдиган ва сийқаси чиқиб кетган усулдаги мақтов мақолаларга дуч келаверамиз. Кошки, бунинг тағида бирон-бир дурустроқ мақсад бўлса. Ишончим комилки, бундай мақолалар аслида ўша тармоқ учун ҳам заррача наф келтирмаслигини тахририят ходимлари ҳам, муассислар ҳам яхши билишади. Аксинча, унинг ўрнида қичқинагани бир лўнча тарзда бўлса-да, соҳага тегишли муаммо кўтариб чиқилса, минг марта яхши. Бу, аввало, ўқувчининг эътиборини тортади, мутасаддиларни бир қадар сергаклантиради. Балки, кўтарилган муаммо барҳам топиб, қимларнингдир мушуқли ҳам осонлашар. Албатта, бу гаплар қимлар учундир насиҳат эмас, аксинча, ўз режаларимизнинг бир қисми, холос.

Тармоқ газетаси сифатида навбатдаги вазирамиз эса мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, жумладан автомобиль ва дарё транспорти сийқасининг тузу мазмун ва моҳиятини ўқувчи содда ва тушунарли тарзда етказиб боришда, деб биламиз. Демак, зиммамизда муассисга тарғибот ишларида кўмаклашиш вазирамиз ҳам турибди. Аммо бунга шунчаки, енгил-ёлпи ёндашиб бўлмайди. Аввало қуруқ ва тўғридан-тўғри тарғиботдан жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки ўқувчини беэдириб қўйиши ва акс таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Дейлик, биз газетамизнинг ҳар сонидан транспорт хизмати кўрсатувчи ҳар бир жисмоний шахс албатта, лицензия олган бўлиши шарт, ҳар бир транспорт ходими ўз ижозати олдида маъсулятининг ҳис қилиши лозим, дея ялғон сўзларни тақрирлаверсак, бу кимга ёқади...

Тахриротнинг эса дунё таърибидан ўтган турлари жуда кўп. Қолаверса бу алоҳида бир мутахассис талаб қиладиган соҳа. Қани энди фақат шу билан шугулланувчи билимдон ва зукко ходимимиз бўлса. (Аслида зиммасида ниманидир тарғибот қилиш вазирамиз бўлган ҳар қандай ташиқлотда мутахассис тарғиботчи штаи бўли-

ши керак, деб ўйлайман). Лекин, шунга қарамадан қўлимиздан келганича бурчимизни адо этишга, айниқса билвосита тарғиботни амалга оширишга ҳаракат қилганмиз. Битта мисол айтмай, яқинда Япония транспорт ҳақида, у ерда транспорт ходимларининг муомалага, тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилишлари тўғрисида катта мақола бердик. Буларнинг бари агентлик вакилининг таассуротлари тарзида айтилгани, айниқса, мақоланинг ишонарли ва таъсирли қилишига сабаб бўлди ва ҳоказо.

Бошқа мақолаларимиз эса асосан ўқувчиларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун кўмаклашишга йўналтирилган. Яъни, газетамизнинг ҳар бир сониди, албатта, дунё автомобильлари сурати таширилган бошқотирма, ҳайдовчи толеномаси, дунё автомобиль саноати ва транспорт ҳақида алоқадор энг сўнгги ва қизиқарли янгиликлар, бу оламнинг баъзи бир қулғили ва ачинарли воқеаларига доир хабарлар чоп этилади.

Шу ўринда айтмоқчиманки, ўқувчи учун қизиб бўлган баъзи нарса қимлар учундир баҳана бўлиб туюлиши, республика бўйлаб тарқаладиган газетанинг обрўига тўғри келмайдигандек туюлиши мумкин. Аммо, ҳар қандай нашрнинг обрўси бўлиши учун унинг маълум ўқувчиси бўлиши керак! Шундай экан, нашрлар аввало ўқувчи ҳолдан нарсадан чоп этиб, унга томон қўлаштириш, қимларнингдир (етарли даражада) қилини тўғридан келин эса уларни ўзи томонга тортатиш лозим. Бу ҳам аслида тарғибот қонунини.

Мамлакатимизда эса бу борада таърибага эга тармоқ нашрлари бор. Масалан, "Поста" газетасини улар қаторида алоҳида таъкидлаш мумкин. Ушбу газета фақат тармоқ ходимларининг эмас, балки кенг ўқувчилар оmmasининг севимли нашрига айлана олди. Ёки кўпчиликнинг наздида енгил-ёлпи, олди-қочдиларнингина чоп этадиган газетани ҳисобланадиган "Даракчи"ни олайлик. Айнан ўша олди-қочдилар билан икки юз миңдан ортиқ мунтазам ўқувчисини топа олган бу газета кейинги пайтда маънавиятимиз учун хизмат қилмайдиган мақолаларини ҳам чоп этаптики, унинг таъсир доираси ҳам катта бўлиши турган гап. Мен кўнроқ замонадошларимизнинг эътиборсизликларидан, бепарволикларидан хафа бўламан. Бу эса тараққий йўлида энг катта ғовдир.

Абдулазиз ХАСАНОВ сўхбатлашди



МАТБУОТ КЎНГИЛУШЛИК МАЙДОНИ ЭМАС

Ун йил олдин қайси газеталар ва қандай мавзудаги мақолалар кўнроқ сизнинг эътиборингизни тортган? Бу саволга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Кўчқор НОРҚОБИЛ жавоб беради.

— Бундан ўн йил аввал Ўзбекистонда публицистиканинг энг баланд чўққиси забт этилганда — публицистика даври бошланганди десам хато бўлмайди. Газеталар кўлма-кўл бўлиб кетарди. Менимча, матбуотнинг тили омманинг дили бўлиб сўзларди, ҳамкасбларимиз халққа тушунарли услубда лўнда ва аниқ-тиниқ қилиб ёзишарди.

Газеталар ҳам унча кўп эмас, санокчи эди, лекин мавқеи мустақам эди. Икки киши бирикиб газета чикариб, олди-қочди нарсага билан ўқувчи савиясига, қалбига завол етказилмасди. Кроссворду яна алламбало...вордларни ечиб, қўнғилушлик қилиш оммавий тус ола бошлаганини о-

батга олсак, матбуот эгаллаган ўша шон-шўҳрат, юксак чўққини бугун орқиқиб билан эслаймиз. Ҳеч қимнинг оғзи тикилмаган, қўли ҳам болганмаган... Битта, иккита, учта, борингки... ўнча журналист билан публицистиканинг қадди тикланиб қолмайди. Журналистикага қучли, навқирон, қарашлари мултоқ ўзгача, шижоатли янги авлод кириб келиши керак.

Бундан ўн йиллар олдин менинг назаримда мамлакатимизда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси доираси анча кенгайиб кетган эди. Яқин-яқингача ушбу жафтаномда давр нуқтаи-назаридан қаралганда бош муҳаррир минбари устунида ўта долзарб мавзулар ёритилди. Шунинг-

дек, "Ой бориб, омон қайтмаган болам", "Махфия", "Фитна санъати", "Эврилиш", "Ном" эҳ-хе... шу каби мақолалар публицистиканинг энг юқори намунаси эди. Бундан ташқари "Turkiston" газетаси чинакам журналистика мактабига айланган эди. Назаримда, "Топталган тақдирлар", "Юрагимда оёқ изи бор", "Иқтисодийнинг қора туйнуклари", "Чақмоқ дафтардаги фикрлар" сингари мақолаларни ўзбек матбуоти соғиниб қолди, десам хато бўлмайди. "Шарқ юлдузи" журнали ҳар бир уйга кириб борарди. Севиб ўқирдик.

Гапнинг қисқаси, бундан ўн йиллар бурунги журналистиканинг фикр, шиддат, бадиият, оммавийлик устунлари мустақам эди.

ЖИНОЯТ ВА ЈАЗО Қоронғида топилган уфатлар

Яқинда Тошкент шаҳар суди Миробод туман суди биносида бўлиб ўтган очиқ мажлисда Денис Юеай бошлиқ Олег Сафаров, Аскар Саидзимов, Рашид Абдурашидов, Виталий Харитонов, Дмитрий Соколов, Илдор Умаров, Дмитрий Азамов ва Музаффар Мадусмоновлардан иборат қутурган жинойт гуруҳини қилмишларини кўриб чиқди.

Д.Югаининг ўқишга хоҳиши бўлмади. Бор-йўғи 3 синфни бир амаллаб битирди-ю, у ёнига мактабга бормай қўйди. Кўча чангитиб дайдишга ўрганди, ўзига ўхшаш бетайин болалар билан ҳамтовоқ бўлди. Одатда бунақа тоифадаги болаларнинг меҳнатга хоҳиши бўлмайди. Бирок еб-ичишга қолганда доимо иштаҳалари қарнай бўлади. Д.Югай ҳам худди шунчалардан эди. У оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришга ўрганди. Айниқса, тузукроқ қийнган, яхшироқ машина ҳайдаган кишини кўрса чидаб туролмасди. "Нега шинам ва қимматбах кийимларни мен эмас, у кияди, нима учун мен пиеда юраману бу одам шунча машина минани" деб қўйиб-ёниб кетарди ва уларни ўмариб, ўзиники қилиб олмоқчи бўларди.

Хаш-паш дегунча 19 ёшини уриб қўйган Д.Югай тулпа тузук ўғри бўлиб етишди. У қўлига тушган текин "соққа" ҳебодилан аорч ичишга ўрганди. Уша қуни ҳам муста эди. Узига ўхшаш текин эса ўзини томан ташлайдиган ҳам-қулар И. Умаров ва Д. Азамовлар билан ўзаро тил бириктириб, Қорасу мавзевиди 22-уйнинг қаршисиди

тегишли бу "Жигули" автомашинасидан "ДЭУ" автомагнитоло (50.000 сўмлик) 6 та аудиокассетаси билан (ҳар бири 1000 сўмлик), иккита 10 ГД колонкасини (10.000 сўмлик), иккита 25 ГД колонкасини (15.000 сўмлик), "Квар" автомабили соатини (2000 сўмлик) ва бошқа яна бир неча қисмларни (жамии 91.000 сўмлик) ўғирлаб, аста "қўён" бўлди. Кейин эса бу нарсаларни сотиб, пулини уочловон бабойи нафелари йўлида иштибоб юборишди.

«ҚУТУРГАН» ГУРУХ Ёхуд унинг ваҳшиёна қилмишлари хусусида

тегишли бу "Жигули" автомашинасидан "ДЭУ" автомагнитоло (50.000 сўмлик) 6 та аудиокассетаси билан (ҳар бири 1000 сўмлик), иккита 10 ГД колонкасини (10.000 сўмлик), иккита 25 ГД колонкасини (15.000 сўмлик), "Квар" автомабили соатини (2000 сўмлик) ва бошқа яна бир неча қисмларни (жамии 91.000 сўмлик) ўғирлаб, аста "қўён" бўлди. Кейин эса бу нарсаларни сотиб, пулини уочловон бабойи нафелари йўлида иштибоб юборишди.

Осон топилган пул осон кетади, деб бежиз айтишмайди. Уочловон шунча текин пулини уч-тўрт кундаёқ сарфлаб ола қилишди-да, кейин яна "ов" та чиқиди. Улар бу гап гирт маст бўлиб олиб Юнусободнинг 2-мавзевиди жойлашган черковга девор-

бўлмаса қунора биттадан машинани "шип-шийдам" қилвердишди. Форатчилар Д. Кимга тегишли давлат рақами 10 М 7283 машинасидан ҳам жами 241.000 сўмлик буюмларни янми-жимиди ўғирлаб чиққач, ўз маҳоратларига ўзлари қойиб қолдишди.

— Шунчалки қобилиятимиз бор экан, нега энди майда-чуйда ўлжалар учун бош қотириб юрибмиз, - деди Югай сафарига янги қўшилган А. Ермаковга. — Бу гап "ов"ни йиритроқ қилмази! — Хўш, мақсаднинг аниқроқ қилиб тушунтириш, нима қилмоқчисан ўзи? — Аввало саволингни нима қилмоқчисан эмас, нима қилмоқчисан, деб тўтади. Кейин жавобини эшитмақчи бўлсан машина "ечинтириш" жонимга тегди.

НА...ЗИ УЯЛМАЙСАНМИ?

Сурхондарёлик журналист Махмуд Абулфайз бир даста мақолаларини тахририятга юбориш учун автобекатга қичиб қараса, ҳамкасби Тожиддин Раззоқ Тошкентга кетаётган экан.

Хурсанд бўлиб: — Агар хизмат бўлмаса, шуларни "Оила ва жамят"га бериб қўйсангиз, - дея илтимос қилибди. — Жоним билан, — деб олиб кетибди у. Бир неча ой ўтса ҳамки ёзганлари газетлада қичмабди. Ниҳоят бир куни Тожиддин Раззоқни учратиб қолгач: — Сизга берган мақолаларимга нима бўлди? - деб сўрабди. — Поезда зериканамдан ҳаммасини бирма-бир ўқиб чиқдим. Кейин йиритиб-йиритиб деразадан отиб юбордим. Нима қилсан унақа ёзиб. Уялмайсанми? — дебди хотиржам.

МЕНИ ҚАРИТДИНГИЗ

Термиқлик Ойша момо билан Достон ота ўзларининг олтин тўйига қўярда-қўймай журналист Бахтиёр Олломураднинг ҳам тақлиф этибди. Меҳмонлар Достон отага совға-салом беришаётганда: — Бахтиёр, хо, Бахтиёржон, — дебди отахон тўрда ўтирган Бахтиёрга қараб, — кўраясизми, одамлар қўлимга нималар тутқазипти...

Мурсамат АЛМУРОДОВ

(Давоми бор)

Мансур МУСАЕВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси. Мурод КАЛОНХОН, Республикада хизмат кўрсатган журналист

Гийҳвандликка қарши кураш ҳар қанча кучайтирилмасин, барибир наркотики...

орқали қўшни Ҳамдустлик давлатлари олиб чиқиб кетишга уринаётган...

билан шуғулланган кўплаб шахслар кўлга олинди.

шқа хизмат бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган табирилар ўз самарасини бермоқда.

ЕТТИ ЮЗ ГИЁХВАНД ФАОЛИЯТИГА ЧЕК ҚУЙИЛДИ


26 июнь — Халқаро гийҳвандликка қарши кураш куни

Тошкент шаҳар ИИББда гийҳвандлик моддаларининг айрилиши, олди-сотисига қарши қандай амалий ишлар олиб боришмоқда?

лаб, ашёвий далиллар билан қўлга олишга қаратган. Ходимларимиз томонидан кечая...

амалга оширилмоқда? Тошкент шаҳар ИИББ ва жойлардаги ИИБлари томонидан...

ва унинг салбий оқибатлари ҳақида маълум қилди. Ҳозирги кунда асосий эътибор Тошкент шаҳрига кириб келаётган...



Бехзод БОЗОРОВ сўхбатлашди

Гўдак қулса — дунё кулади, дейишди. Бу бежиз эмас. Дунёга келаётган гўдак оила қувончи, аввал давомчисидир.

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ТАЪТИЛ




Фарзандларимиз жуда хурсанд. Чунки бу оромгоҳда дам олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, - дейди биз билан сўхбатда "Меҳржон" Васийлик Кенгаши раисаси К.Алиева.

Дилдора ТОИРОВА, «Turkiston» мухбири

Журналистиканинг ўн қонидаси (Давоми, боши ўтган сонларда)
Танг ахволга туширилган сиёсатчи ёки амалдорлар кўп ҳолларда "Чеккер" усулини қўллашади.

BOZOR VA ISLOHOT

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ САРИ



Наманган шаҳрининг четроғида, Наманган-Андижон йўли ёқасида жойлашган "Жаҳон бозори" қурилиб, фойдаланишга топширилганга эндигина тўрт йил бўлди.

бозорнинг хизмат кўрсатиш сифатини оширишни ўз ичига олади. "Жаҳон бозори"нинг иқтисодий кўрсаткичларига назар ташласак, тадбиркорлар сони ортиб, тушумлар миқдорлари эса ўша ходимнинг қайси лавозимни эгаллаб туришини билдиради.

ят яратиб бериш мақсадида вилоятдаги бошқа бозорларга қараганда кўпроқ иш амалга оширилган, деб ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкин.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, бозорда ишлаб турган 60 нафар ходимнинг 50 дан ортиғи ёшлардир.



ри кўтарилиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, биринчи чорак учун бозор тушуми 30 миллион 760 минг сўм қилиб белгиланган бўлиб, режа 31 миллион 164 минг сўмга бажарилди.

бир ходимнинг ўзига бириктирилган ҳудуди бор. Ўша ходим ўз ҳудудининг озодлиги, тадбиркорларнинг муаммолари ва бозор тушумларига жавоб беради.

ни ҳеч иккиланмай, мустақиллик маъсули, деб айтиш мумкин. Мустақиллик йилларида Наманганда кўплаб иншоотлар қурилди.

Нодиржон ЮСУПОВ, «Turkiston» мухбири

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

2002-2003 ўқув йилида қуйидаги таълим йўналишларида бакалаврлар тайёрлаш учун талабалikka қабул эълон қилади.

- Кундузги бўлим: Касб таълими (соҳалар бўйича) - мусикий таълим, - миллий истиқлол ғояси ва ҳуқуқ маънавият асослари, - бошланғич таълим ва тарбиявий иш, - мактабгача таълим, - жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, Касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа) Касб таълими (кимёвий технология ва биотехнология) Касб таълими (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва дастлабки ишлов ҳамда сақлаш технологияси, агроинженерия), Филология - ўзбек тили, - инглиз тили, - немис тили, - рус тили, - тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича), - психология, - иқтисодиёт (тармоқлар бўйича), - менежмент (соҳалар бўйича), - молия, - биология, - физика, - кимё, - география, - математика, - амалий математика ва информатика, - транспорт воситаларини ишла-тиш ва таъмирлаш, - агрокимё ва агротупроқшунослик, - экология ва табиатдан фойдаланиш

- Сиртқи бўлим: Касб таълими (соҳалар бўйича) - бошланғич таълим ва тарбиявий иш. Касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа) - ўзбек тили, - тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича), - иқтисодиёт (тармоқлар бўйича), - биология, - математика, - транспорт воситаларини ишла-тиш ва таъмирлаш, - жисмоний тарбия ва жисмоний маданият. МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ: Касб таълими (соҳалар бўйича) - бошланғич таълим ва тарбиявий иш Абитуриентлар қабул комиссияси-га қуйидаги ҳужжатларни топшира-дилар. 1. Ариза. 2. Фото сурат (3x4 ҳажмда, 6 дона) 3. Тиббий маълумотнома (086-У шаклда) 4. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат-нинг асл нусхаси Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади. Ҳужжатлар 2002 йил 20 июн-дан 20 июлгача қабул қилинади.

